

КЎҲНА АХСИКЕНТ СИРЛАРИ¹

Замира Исақова

Наманган мұхандислик-иктисодиёт институти

Буюк аллома Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллик тўйлари муносабати билан 2004 йилнинг 17-18 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида қатнашдим. Конференция иши якунлангач, Самарқанддаги меъморий обидаларни зиёрат қилдик. Сиёб бозорининг атрофидаги Жомеъ масжиди олдида ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлдик...

Советлар тузуми даврида ҳаммом устига асфальт ётқизилиб, кейинчалик савдо дўконлари қурилган, бу тарихий ишоот эса бир неча йил давомида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган. Мустақиллик шарофати билан Самарқанд тарихи кенг миқёсида ўрганила бошланган, манбалар орқали айнан дўконларнинг остида “Жомеъ масжиди”га киришдан аввал мусофиirlарнинг ювениб, покланиб олиши учун қурилган (таксинан XIV аср) ҳаммом борлиги аниқланган. Ҳозирда дўконлар бузилиб, ер остида қолиб кетган ҳаммомни очиш ишлари олиб борилаётган, келгусида ҳаммомнинг янги тархини тиклаш ишлари режалаштирилган экан.

Бу воқеадан жуда таъсирландим, чунки ёнгинамизда (Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Аҳси қишлоғи) кўҳна Аҳсикент шаҳристони ҳаробалари ҳам ўз бағрида қимматли маълумотларни сақлаб, ҳозирга қадар ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди... Самарқанддан келгач, Аҳсикент шаҳристонига тегишли бўлган манбаларни йиғиб ўргана бошладим. Аҳсикент ҳақида мақола ёзиш истаги туғилди. Зоро, мозийни билмоқ келажакка пойdevордир.

¹ Ушбу мақола 2005 йил 10 июнда Самарқанд давлат университетида доцент Н.Тошкенбоевнинг 70 йиллигига бағишлиб ўтказилган “Археология ва тарих фанининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-назарий анжуман материалларида чоп этилган.

Ахсикент сўзи “Ахсининг юрти” деган маънони билдиради. Ахси эса Ахзи сўзидан олинган. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” (XIV аср) асарида ёзилишича, Хусрав I Анушервон (532-579) Фарғонани бино қилиб, бу ерга ҳар бир хонадондан биттадан кишини кўчирган, ўша кишилардан бирининг исми Ахзи бўлиб, у барпо этилган жой унинг номи билан атала бошлаган².

Тилшунос олим Ф.Исҳоқов “Ахси” сўзи ҳакас тилидаги «агис» сўзининг қисқаришидан келиб чиққанини, яъни “агис”-агси-ахси-шаклига келганини таъкидлайди. Рус олимлари М.Н.Боголюбов ва Д.И.Смирновалар эса “Ахсикат” сўзи сугд тилидан таржима қилганда “хшикат” – “оқ шаҳар” деган маънони англатади³ деб ёзганлар. Ёзма манбалар ва адабиётларда Ахсикент “Ахси”, “Ахсикат”, “Аскатан”, “эски Ахси”, “янги Ахси” деб ёзиб келинган⁴. Ахсикент Фарғона водийсидаги қадимий шаҳар бўлиб, Шаҳристон дарё сатҳидан 50 метр⁵ баландликда жойлашган 300 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган. Территория жиҳатдан эса уни 3 қисмга бўлиш мумкин; антик давр Ахсикенти (“Шарқ юлдузи” ж.х), мӯғуллар истилосигача бўлган давр Ахсикенти (Ўзбекистон ж.х, Шаҳанд қишлоғи), XIV-XVII асрлар даври Ахсикенти (Бобур ж.х, Ахси қишлоғи)

Машҳур сайёҳ географик олим Ёқут Ҳамавийнинг (1179-1229) “Мўъжам ал-булдон” (“Мамлакатлар луғати”) асарида юон тарихчилари Геродотнинг (милоддан аввалги V-аср) «Тарих» ва Птоломейнинг (милоддан аввалги III аср) «Кундаликлар» асарларида Фарғонанинг пойтахти “Аскатан” деб тилга олингани эслатилган⁵.

Хитой сайёҳи Чжон Сянь (милоддан аввалги II аср) ўз кундаликларида Ўрта Осиёning Довон (Даван) деган дехқончилик юрти борлиги, унинг аҳолиси 300000 киши бўлиб, 60000 қўшинга эгалиги, улар камон ва найзалар

² Қосимов Й.Кадимги Фарғона сирлари. – Наманган, Наманган нашриёти, 1992. – Б. 56.

³ Қораев С. Географик номлар маъноси. –Т.: 1978. – Б. 30.

⁴ Қосимов Й.Кадимги Фарғона сирлари. – Б. 52.

⁵ Ўша асар. – Б. 56.

билин қуроллангани ва от устида жанг килишга моҳир эканликлари, шоли, фалла, узум экилиши, зотдор отлари ҳақида ёзиб қолдирган⁶.

Академик Я.Ғуломов бошчилигига 1960 йилдан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Жомашўйдан Наманганга бориш йўлининг чап томонида жойлашган антик давр Ахсикенти милоддан аввалги III-II асрларга тааллуқли эканлиги аниқланган. Ахсикент ёши жихатдан “Афросиёбга тенгдош шаҳар эканлиги” маълум бўлгач, Ахсикент “Фарғона Афросиёби” номини олган⁷. Ҳозирда антик Ахсикентнинг катта қисми экинзор қилиб ўзлаштириб юборилган, уй-жой қурилган, қабристон қилинган, тупроғи қурилиш ашёси сифатида (сарик тупрок) ташиб кетилган. Шахристоннинг жануби-шарқий қисмida олиб борилган қазишлар натижасида у ердан нақшли, тўртбурчак “Давань типи”га мансуб сопол буюмлар топилган. Шахристоннинг қуйи қатламлари милоддан аввалги III-II асрларга тааллуқли эканлиги қадимшунос олимлар т.ф.н И.Аҳроров ва А.Анорбоевларнинг тадқиқотлари натижасида аниқланган⁸.

Мўғуллар истилосигача бўлган давр Ахсакенти ҳақидаги қимматли маълумотлар араб сайёхи ва географ олими Абу Исҳоқ Истаҳрийнинг (840 - 934) “Китоб ал-масолик вал-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар китоби”) асарида келтирилган. Унда “Фарғона кенг ер, унга қарашли шаҳар ва қишлоқлар ҳам катта, унинг катта шахри Ахсакатdir”⁹ дейилган.

Ўрта Осиё халқлари тарихи учун қимматли манба бўлган хуросонлик номаълум олим томонидан 983 йилда форс тилида ёзилган “Китоби худуд ал-олам минал машриқ илал мағриб” (“Шарқдан Фарғонагача олам чегаралари китоби”) эътиборга лойикдир. «Худуд»да Мовароуннаҳр ва унинг шаҳарлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Жумладан, “Фарғона улуғ, обод, жуда кўркам вилоятдур. Унинг тоғлари, текис жойлари, оқар сувлари ва

⁶ Қосимов Й.Кадимги Фарғона сирлари. – Б. 57.

⁷ Абдуллаев О. Наманган вилояти. Наманган, Наманган нашриёти, 1995. – Б. 37.

⁸ Қосимов Й.Кадимги Фарғона сирлари. – Б. 64.

⁹ Ўша асар. – Б. 50.

шаҳарлари кўп. Бу Туркистоннинг дарвозасидир, тоғларида жуда кўп маъданли, дори..., тошлари кўп. Ахсикат – Фарғонанинг пойтахти, амирнинг қароргоҳи. Бу катта шаҳардир. Қасарт (Яксарт), яъни Сирдарё лабида¹⁰ дейилган.

Машҳур географик олим ва сайёҳ Ёқут Ҳамавий (1179-1229) ўзининг “Мўъжам ал-булдон” (“Мамлакатлар луғати”) асарида Ахсикат – Фарғона томонда бир катта шаҳар бўлиб, Шош дарёсининг ёқасидаги текис ерда жойлашган. Дарёning шимолий томонидаги тоғлар билан Ахсикат орасидаги масофа бир фарсангдур (бир фарсанг 7-8 кмга teng – З.И.). Унинг уч фарсангга яқин қўргон ва атрофида одам яшайдиган жойлари бор, Ахсикат ички шахрининг тўртта дарвозаси бўлиб, унинг иморатлари лойдан ясалган¹¹ деб ёзилган.

Академик В.В.Бартольд ўзининг “Мўғуллар босқини даврида Туркистон” асарида Ёқут Ҳамавийнинг фикрларини тасдиқлаб, “Шаҳристон баланд мудофаа деворлари билан ўралган бўлиб, унинг Мардикуш, Косон, Жомеъ масжид, Рекхона жоми дарвозаси бўлган”¹² деб ёзган.

Балхлик тарихчи олим Маҳмуд ибн Валий “Баҳр ул-асрор” асарида “Ахсикат – Фарғона шаҳарларининг онасидир”¹³ деб таърифлайди. X асрда яшаган сайёҳ олимлар Фарғона музофотида 39 та шаҳар мавжуд бўлганлигини ёзиб қолдирғанлар. Ана шу манбаларга асосланган ҳолда, IX-X асрлар Сомонийлар сулоласи даврида Ахсикент Фарғонанинг сиёсий, иқтисодий-маданий ва марказий шаҳарларидан бири бўлган, дейиш мумкин.

Хуросонлик қомусий олим, Муҳаммад Нажиб Бакрон (XII аср) жаҳон харитасини чизган ва 1209 йилда Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад Ибн Такашга тақдим этган. Унда “Фарғона - Мовароуннаҳр худудидаги вилоят, унинг пойтахти Ахсикат деб аталади. Ниҳоятда хушҳаво жой. Самарқанддан

¹⁰ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 44.

¹¹ Ўша асар. – Б. 142.

¹² Қосимов Й.Кадимги Фарғона сирлари. – Б. 52.

¹³ Ўша асар. – Б. 52-53.

Фарғонагача 53 фарсангдур”¹⁴. Унинг харитага изоҳ сифатида ёзган. “Жаҳоннома” асари Қурдодбех, Истаҳрий, Носириддин Тусий, Абу Райҳон Беруний ва Носир Ҳусрав асарларидан фойдаланиб ёзилган. “Жаҳоннома” ҳозирга қадар сақланиб қолган. Харита эса газламага чизилган бўлгани учун вақтлар ўтиши билан йўқолиб кетган.

Академик Б.В.Бартольд ўрта аср олимлари маълумотларига таяниб, мўғуллар истилосигача бўлган давр Ахсикентини З қисмдан иборат, яъни “Арки аъло” (ўрда), “Шаҳристон” (ички шаҳар) ва работ (ташқи шаҳар) деб кўрсатган¹⁵. Айни вақтда шаҳристон ҳам ички ва ташқи қисмдан иборат бўлган. Ҳар икки шаҳристон ҳам баланд девор ва чуқур хандақлар билан ўраб олинган. Ҳозирги вақтда ташқи шаҳристоннинг шимолий қисмида 20 га яқин минора харобалари сақланиб турибди. Лекин ички шаҳристоннинг миноралари сақланиб қолмаган. Археологик қазилмалар натижасида Ахсикент ички шаҳрининг тўртта дарвозаси борлиги ҳақидаги Ёкут Ҳамавийнинг маълумотлари ўз тасдиғини топган¹⁶.

Мўғуллар истилосигача бўлган давр Ахсикенти халқ тилида эски Ахси деб юритилади. У Жамашўй-Шаҳанд йўлининг Сирдарё ўнг соҳили бўйлаб Шарқдан Фарбга ястаниб, ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган қадимий шаҳардир. Эски Ахси қарийб 120 гектар майдонни эгаллаб турибди.

Ахсикент XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ рус археолог олимларининг диққатини тортган. Н.И.Веселовский 1885 йилда биринчи марта Ахсикентда қазиш ишларини ўtkазади. У ердан сопол буюмлар, танга, олтин, мис, кумуш тақинчоқлар, уй-рўзғор ашёлари топилган. Аҳоли қўлидаги топилмалар ҳам тўплаб олиниб, археологик материал сифатида олиб кетилган. 1914 йилда И.Кастанье томонидан қайта қазилма ишлари ўтказилган, лекин охирига етказилмаган.

¹⁴ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Б. 147-148.

¹⁵ Қосимов Й.Кадимги Фарғона сирлари. – Б. 52.

¹⁶ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Б. 142.

Академик Я.Ғ.Гуломов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси ФА археологлари Ахсикент шаҳристонини тадқиқ этиш давомида гумбаз шаклида қурилган ажойиб сув иншоотларининг қолдиқлари, водопровод қолдиқларининг излари, “кишини ҳайратга соладиган ўралар, ювинди ва чиқиндиларни ташлайдиган махсус чуқурлар, печлар, металл ишлайдиган ўчоклар” топилган. Археологлар XII асрларга тааллуқли ҳарбий бино қолдиқлари, аҳоли уйлари, урушда ишлатиладигин 1-10 кг гача бўлган полоҳмон тошлари, жанг вақтида шаҳристон билан работни боғлаб турадиган ер ости маҳфий йўлларини аниқладилар.

Шаҳарнинг работ қисмидан сопол қувур, пишган ғишт, сопол буюмлар топилган. Энг ажойиби, сопол буюмларнинг ранги ўчмаган, уларга нафис ишланган табиат манзаралари, қушлар тасвири, ҳайвонлар расми туширилган. Сирланган кулолчилик буюмлари археологик топилма сифатида Наманган, Фарғона, Тошкент, Ленинград, Киев, Париж, Лондон, Венадаги тарих ва санъат музейларида инсоният моддий маданиятининг бебаҳо дурдонаси сифатида сақланмоқда¹⁷.

З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асарида “Аҳси суви Косондан келур” деб кўрсатилган. Тадқиқотлар вақтида ҳақиқатан ҳам Ахсикентга Косонсойдан ер ости орқали ичимлик суви олиб келинганлиги аниқланди. 1970-1980 йилларда археолог ва тарихчи олимлар марҳум Й.Қосимов, И.Ахроров, А Мухаммаджоновларнинг саъй-харакатлари билан Ахсикент сув йўлини топиш ва қазиш ишлари натижасида ғоят пишиқ ғиштдан туннель усулида қурилган ирригацион иншоотнинг ноёб намуналари топилган.

X-XII асрларга мансуб ҳаммом қолдиқлари ҳам ўша давр меъморларининг ниҳоятда юксак дидли ва ўз ишининг моҳир устаси эканликларини кўрсатади. Ҳаммом бир неча хоналардан иборат бўлган, бинони қиздириш ва ювинди сувларини ташқарига чиқариш каби муҳим масалалар оқилона ҳал қилинган. Ҳаммомлар деворларига тик ўрнатилган

сопол қувурлар-дудбуронлар воситасида иситилган. Ҳаммом шифохона воситасини ҳам ўтаган бўлиши мумкин.

1220 йилда мўғуллар томонидан Ахсикент шаҳристони босиб олингач, вайронага айлантирилган, шаҳристон ёндирилиб, култепага айлантирилган. Ана шу тариқа “Эски Ахси” харобазорга айланган. XIV аср иккинчи ярмидан бошлаб омон қолган ҳалқ қўпайиб, кичикроқ шаҳар барпо этилган. Шаҳарча ҳалқ орасида “Янги Ахси” деб юритилган.

З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асари Ахсикент ҳақидаги билимларни тўлдириб, айрим масалаларда тўғри хulosा чиқаришга ёрдам беради. “Сайхун сувининг шимоли тарафидаги қасабалардан бири Ахсидур. Китобларда Ахсикат битарлар. Фарғонада, Андижонда шундин улуғроқ қасаба йўқдур. Умаршайх Мирзо (Бобурнинг отаси) шуни пойтахт қилиб эрди. Сайхун дарёси қўрғонининг остидан оқар. Қўрғон баланд жар устида воқеъ бўлубдур.

Ҳандакининг ўрнига амийқ жарлардур. Умаршайх Мирзоким, муни пойтахт қилиб эрди, бир икки маротаба ташқарироқдин яна жарлар солди, Фарғонада бунча берк қўрғон йўқдур¹⁸. Бобурнинг отаси темурийзода Умаршайх Мирзо 1460-1494 йилларда Фарғонада ҳокимлик қилган. 1494 йилда Ахси қўрғонида (Каптархона) фожиали равишда ҳалок бўлган.

Ахсикент дарё ёқасидаги тепалик устида атрофи жарликлардан иборат қулай бўлган майдонга жойлашган. Шу боис, қўрғон атрофини қалин мудофаа деворлари билан ўраб олиш шарт бўлмаган. Ахоли яшайдиган маҳаллалар қўрғондан узоқда жойлашган. Бу ҳақда Бобур шундай ёзган: “Маҳоллати қўрғондин бир шарый йироқроқ тушубдир “Дех кужову, дарахти кужо”, (“қишлоқ қайда-ю, дарахтлар қайда”) масалини ғолибо Ахси учун айтибдурлар¹⁹.

¹⁷ Қосимов Й.Кадимги Фарғона сирлари. – Б. 68.

¹⁸ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 8.

¹⁹ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 8-9.

Ахси қўрғони харобалари Бобур жамоа хўжалигининг Сирдарёнинг ўнг соҳилида сақланиб қолган ерлар “Якка йигит” участкаси майдонида жойлашган. Темурийлар асос соган Ахси шаҳри 1620 йилда (ҳижрий 1030 й.) рўй берган кучли зилзила оқибатида ҳалокатга учраган. Бу ҳақда Исҳоқхон Ибрат (1862-1937) “Фарғона тарихи” асарида келтириб ўтади²⁰. Шунингдек, т.ф.н. Й.Қосимовнинг “Кўхна Фарғона сирлари” китобида ҳам тўхталиб ўтилган. Ҳар икки муаллиф бир манбадан фойдаланганлар: косонсойлик табиатшунос ва географ олим Саид Муҳаммад Тохир ибн Абдул Қосим 1640 йилда “Ажойиб ут-табакот” (“Минтақа ажойиботлари”) асарида ўз кўзи билан кўрган воқеаларни баён қилган. “Ҳижрий 1030 йилда Ахсида шундай зилзила бўлди, Сирдарёдан чайқалиб чиққан сув дарё четидаги далани босиб кетди. Иморатлар вайрон бўлди, кўп одамлар йиқилган иморатлар остида қолиб ўлди. Катта дараҳтлар илдизи билан юлиниб ерга тушди. Олти ойгача зилзила шундай бўлиб турди. Масалан, биринчи куни зилзила 70 мартағача бориб етди. Шуниси қизиқки, энг қаттиқ зилзила Ахси қўрғонининг ичида бўлиб, атроф қишлоқларда унча қаттиқ бўлмади, шаҳардан бир фарсаҳ ерда (1 фарсаҳ - 17 км – З.И.) ҳеч қандай товуш эшитилмади²¹. Ана шу вайронагарчиликдан сўнг Ахси шаҳри қайта тикланмаган. Зилзиладан омон қолган аҳоли эса бошқа тарафларга кўчиб кетган.

Даврлар ўтиши билан қўрғоннинг кўп қисми экинзорларга айлантириб юборилган. Ҳозирда қўрғоннинг 25 гектар майдони сақланиб қолган, холос. Бу ерда ўтказилган қазилмалар вақтида XIV-XVII асрларга оид сопол, идишлар, кося, тақсимча, қора чироқ, сопол қозон ўша давр ҳокимлари номи билан зарб қилинган танга пуллар, зийнат буюмлари топилган. Улардан айримлари Наманган вилоят ўлкашунослик музейида ҳам сақланмоқда.

²⁰ Исҳоқхон Ибрат. Фарғона тарихи. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 278.

²¹ Саид Муҳаммад Тохир ибн Абдул Қосимнинг “Ажойиб ут-табакот” (“Минтақа ажойиботлари”) асари ЎзРФА ШИ кўллётмалар фондида 4111 рақами билан сақланмоқда. – С. 67.

Ҳ.Ҳасанов бошчилигига бир гурӯҳ олимлар З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асаридан фойдаланиб, Фарғона водийсининг харитасини тузганлар ва у 1958 йил 19 февралда “Ўзбекистон маданияти” газетасида эълон қилинган. Харитада Фарғона музофотининг йирик шаҳарлари, атрофини ўраб турган тоғлар, Сирдарё кўрсатилган. Харитада жойлашган ўрнига қараб, Ахсикентнинг марказий шаҳар, пойтахт бўлишига ҳар жиҳатдан асос бўлганлигини кўриш мумкин. Ахсикент аҳли қадимданоқ конларда ишлаганлар, мис ва темир эритганлар, металлардан турли асбоб анжом, меҳнат қуроллари ясаганлар, мисгарлик, дегрезлик, тўқувчилик билан шуғулланганлар. Ҳаттоқи турли рангдаги кесак ва минералларни майдалаб, уларга ёпишқоқлик берувчи суюқликлар – асал, мум, тухумнинг оқи, дарахт елими, қўй ёғи ва бошқаларни қўшиб, турли бўёқлар ҳам тайёрлаганлар²². Табобат илми ҳам шу қадар ривожланганки, қазиш чоғида бир калла суюгининг синган қисми олтин билан ямалганини кўрган олимлар ҳайратда қолганлар. Ўрта аср Ахсикент кулолчилиги эса сопол идишларнинг ихчамлиги, гулларнинг нафислиги, кўркамлиги билан довруқ қозонган.

Мана шундай тарихни ўзига мужассамлаштирган Ахсикент харобалари ҳозирга қадар тўлиқ ўрганилмай, ҳамон сирлигича қолиб келмоқда. Ахсикент шаҳристонида археологик тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, унинг тилсимларини ўрганиш, келгуси авлодлар учун етказиш, шаҳристон бўйлаб зиёратчилар ва туристлар келиб-кетишини уюштириш, дарё соҳилида майший бинолар қуриш, музей, дўконлар ташкил этиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Мухтарам Президентимиз И.Каримов ташабbusи билан республикамиизда жамият маънавий ва маърифий, ижтимоий-иктисодий ҳаётига доир кўплаб фармон ва қарорлар чиқарилди. Тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш учун ажратилган маблағлар аждодлар меросини кенгроқ ўрганиш имконини бермоқда.

²² Қосимов Й.Кадимги Фарғона сирлари. – Б. 68-69.